

Oila va jamiyat

@oilavajamiatgazetasi_bot

KARANTIN OILAVIY MUNOSABATLARGA TA'SIR QILDIMI?

Карантин сабаб Хитойда оилавий ажримлар анча кўпайди. Жумладан, март ойида марказда жойлашган Сиан шаҳри ҳамда Сичуан вилоятидаги Дажоу шаҳарларида рекорд даражадаги оилавий ажрашишлар қайд этилган. Туркияда эса март ойидаги ажрашиш учун даъво аризалари сони январь ойидагига таққослаганда 4 мартаба кўп келиб тушган. Хўш, нега? Бу ҳолат бизда қандай кечмоқда?



3 ўравонликнинг олдини олишга ҳар томонлама жиддий киришилган бир пайтда ҳам «йўқ, уни жазога тортманг, ахир турмуш ўртоғим у» дейдиган аёллар жуда кўп. Бу вазият шунчалик нозикки, бундай вақтда нимадир йўл тутиш, фикр билдириш бир пайтнинг ўзида тўғри ҳамда нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Тўғрилиги шундаки, аёл ўзи муқаддас санаган оиласини асраб қолиш йўлида, унга етказилган зарбани аллақачон кечириб юборади ва оилавий ҳаётига кимдир аралашини истамайди. Нотўғрилиги ҳақида юқоридаги фикрларнинг ўзи етарлича далил бўла олади. Хўш, қайси бири тўғри ўзи?

Zo'rvonlikni KIM to'xtatadi?!



“Tungi tashrif”

М уаллиф асардаги бошқа образларга ҳам жон ато эта олган. Шу ўринда **ЛАРА ЭДРИАН** услубига хос яна бир муҳим фазилатни алоҳида таъкидлагим келди. Соф муҳаббат ва ҳалокатли қўрқув, қонли қасос ва ғурур, хиёнат ва бурчга садоқат каби туйғулар унинг асарларидаги етакчи мавзулардир.



●10

Biz bolajon xalqmiz(MI?)

Б из болажон халқмиз, деган гап ўз қимматини йўқотаётгандек. Агар биз бир пайтлардагидек ҳақиқатан ҳам болажон бўлганимизда бугун болани бир матоҳдек бировларга пуллаётган бўлмасдик. Биз болажон бўлганимизда юқорида мактубда айтилганидек болаларни меҳрга зор қилиб ўзга юртларга кетмасдик. Энг ачинарлиси оталар хорижга кетиб осонгина бошқа оила қуриб кетаётгани, уйда қолган фарзандларининг тақдирини, келажагини ўйламаётгани.

●11

НАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ОМИЛИ БОР

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазириликда фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш, маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда учраётган муаммолар, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришда фуқаролар йиғинларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳамда соҳага оид бир қатор масалаларга бағишланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида мамлакатимизда аҳоли орасида коронавирус инфекциясини юктириб олиш кўрсаткичлари тобора ўсиб бораётганлигига тўхталиб, бу аҳоли соғлиги ва бандлигини таъминлашда ўз таъсирини кўрсатаётгани, шу сабабли аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш зарур эканлиги айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тизимини самарали жорий этиш бўйича ҳозирги вақтда маҳалла ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жиноятчиликни олдини олиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан оқилна фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб боришда.

Жумладан, жорий йилнинг 8 июнь куни Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирилик томонидан ўтказилган йиғилишда "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" тамойили асосида июнь-август ойларида ишни ташкил қилиш бўйича ҳаракатлар режаси белгилаб олинган эди.

Барча маҳаллалар ва хонадонларни тартибга келтириш, уйлари оқлаш,

дарактларни парваришлаш, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, камбағал оилаларнинг хонадонларида ҳашарлар уюштириш бўйича бир нечта ишчи гуруҳлар тузилиб, ҳудудларга сафарбар этилди.

Видеоселектор давомида мазкур белгиланган вазифалар ижроси ҳақида тўхталиб, жойларда ҳали амалий натижалар кўзга ташланмаётганлиги, қилиниши лозим бўлган ишларнинг аниқ режа ва йўналишлари белгилаб олинмаганлиги таъкидлаб ўтилди, бу борадаги ҳудудий масъул ходимлар фаолияти танқид остига олинди.

Мутахассислар томонидан тадбир иштирокчиларига "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" лойиҳалари бўйича қурилиш ишларида



эътибор қаратилганидан устувор вазифалар бўйича батафсил тушунтиришлар берилди.

Йиғилишда оилаларни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар тафсилоти ҳақида ҳам сўз борди.

Берилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 9465 та оилавий ажримлар қайд этилган бўлса, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар сони 10740 тани, ноқонуний никоҳ асосида яшаётганлар 8313 тани ташкил қилмоқда.

Бу борадаги энг салбий кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий, Андижон, Тошкент вилоятлари

ҳиссасига тўғри келаётганлиги, оилавий кадриятларни асраб-авайлаш, оила ва никоҳнинг аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик орасида олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари тўғри ташкил этилмаётганлигини, бу борада нуруний отахон ва онахонлар ёрдамидан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Оилавий ажримлар умумий сони жорий йилда ўтган йилга нисбатан камайган бўлса-да, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўрсаткичлар юқориликча қолмоқда.

Низоли оилалар 12931 тани ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич Хоразм, Фарғона, Самарқанд вилоятларида акс этмоқда.



Каттакўрғон шаҳри, Фарғона вилояти Фарғона тумани, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани, Бухоро вилояти Когон, Вобкент туманларида олиб борилаётган ишлар жиддий тахлил қилинди. Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларида ташрифи давомида масъул вазирилик ва идоралар олдида қўйилган аниқ вазифалар ижроси ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тизим масъул ходимлари томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тахлили натижалари ҳақида маълумот берилди.

Бу борада айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли томонидан билдирилаётган кўллаб-қувватлаш ҳудудий масъуллар томонидан ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганилиши лозимлиги, ҳар бир мурожаат ортида инсон омили турганлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазириликнинг масъул ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирилик, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, масъул ходимлари иштирок этди.

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирилик матбуот хизмати.

Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимиз ободлиги, кўчаларимиз кўрки, хонадонларимиз файзини ошириш, унда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича жорий йилнинг июнь-август ойларини руҳан поклик, маънан етуклик, фикран янгилашга интилиш даври деб таърифлаш мумкин.

Бугун юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг юксалиб бораётган турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркем қиёфаси, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги тараққиёт юртдошларимизнинг Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ишохотларга, жонажон Ватанимизнинг келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Хусусан, сўнги йилларда «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши натижасида аҳоли масканларининг қўриниши буткул ўзгариб, одамларимиз турмуш тарзи, оилаларда тўқин-сочинлик янада ортиб бормоқда.

Шуни унутмайликки, осуда ва фаровон турмуш тарзини четдан келиб бизга ҳеч ким яратиб бермайди. Уни ўзимиз, ўз меънатимиз натижасида бунёд этсак, аниқроқ айтганда, ҳар биримиз ўз маҳалламыз, кўча ва хонадонларимизнинг саранжом ва файзли бўлиши учун ҳиссамизни қўшсак, бу гўшалар

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Нурунийлар жамоатчилик кенгашларининг хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркем қилиш бўйича аҳолига МУРОЖААТИ

чинакам обод масканларга айланади. Эрта саҳарда туриб, кўча-ҳовлиларимизни супуриб-сидириш, ён-атрофга сув селиш, турли гуллар экиш қайси хонадонга чирой бағишламайди, дейсиз.

Бу борада хонадон соҳибларига маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, яратувчанлик ғояларига ундаш биз – маҳалла фаоллари, кўпни қўрган, нуруний оқсоқолларнинг энг муҳим вазифамиздир.

Унутмаслигимиз лозимки, ободлик бор жойда кўт-баракка, доимий ривожланиш ва келажаққа ишонч бўлади.

Кадрли юртдошлар!

Ҳозирги синовли давр барчамиздан қийинчиликларни мардона ва жасорат билан енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Бу кўп жиҳатдан халқимизнинг янада жипс-лашиб, аҳил ва бирдам бўлиб ҳаракат қилишга ундамоқда.

Шу маънода, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш,

ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш тадбирларида барча юртдошларимизнинг фаол иштирок этиши ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқимизда «бир кун кўнгилсизлик бўлган хонадондан қирқ кун хайру баракка арийди» деган пурмаъно ҳикमत бор.

Бинобарин, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган азалий урф-одатлар, ўлмас қадрият ва аъналар, оиланинг ҳар бир аъзоси бажариши лозим бўлган муқаддас бурч, айниқса, катта ҳаёт оstonасида турган ёшларимизга ибратли тушунтириш ишлари, ўйлашмики, оилаларни, бутун жамиятимизни янада мустаҳкамлайди.

Азиз отахон ва онахонлар!

Маҳалладошларимизга намунавий хонадон, намунавий кўча қандай бўлиши кераклиги ҳақида имкон қадар кўпроқ ва кенгроқ маълумот берайлик! Бу йўлда аввало, ўз хонадонларимизни обод қилиш борасида олиб бораётган амалий ишларимиз, ибратли ташаббусларимиз, чинакам жонқуярлигимиз

билан намуна бўлайлик!

Ҳудудимиздаги ҳар бир оилада маънавий маданиятни, хонадонларимизни обод ҳамда кўркем қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни, шу жумладан, ёрдамчи хўжалик биноларини қуриш, таъмирлаш, сақлаш қоидаларини, томорқа маданиятини ривожлантириш каби эзгу ишларни кенг тарғиб этайлик!

Энг муҳими, мавжуд имконият ва шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, турмуш даражамизни янги босқичга кўтарайлик!

Азиз ҳамюртлар!

Жонажон Ўзбекистонимизга фақат ва фақат обод масканлар – кўркем ва гўзал кўчалар, файзли хонадонлар, дилга қувонч бағишловчи обод маҳаллалар ярашади.

Ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур ишларга, айниқса маҳаллаимиздаги эҳтиёжманд ва камбағал оилаларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга бор куч-ғайратимизни сафарбар қилайлик, улуғ ташаббусга муносиб ҳисса қўшайлик!

Ушбу уч ойлик ҳаракатимиз хайрли ва савобли ишларимизнинг бардавомлиги, ёшларимизнинг маънавияти ва тарбияси янада юксак бўлишига, миллий қадриятларимизни ривожига, халқимиз орасида ҳамжиҳатлик туйғулари мустаҳкамланишига пойдевор бўлиб хизмат қилсин!

NUTQ ODOVI BOLALIKDAN BOSHLANADI

Педагогик фаолият қадим замонлардан бери улуг'лини келаётган касб бўлиб, у кишидан юксак маҳорат, билим-малака, сабр-тоқат, муомала маданиятини талаб этади.

Мақтаб болани маърифат оламига бошлаганда, аввало уни ҳиссий билишга, сўнгра эса ақлий, ахлоқий, эстетик билишга ўргатмоғи лозим. Ҳаммамизга маълумки, мақтаб ўқувчиси ўз ўқитувчисига тақлид қилишга мойил бўлиб, унга ҳар томонлама ўхшашга ҳаракат қилади. Айниқса, устознинг юриш-туриши, нутқ ва кийиниш маданиятига тақлид қилади. Таълим-тарбияни самарали ташкил этишнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу ўқитувчи нутқ маданиятининг юқори даражада шаклланишидир. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчилар билан муомалада ўз нутқида ниҳоятда эътиборли бўлиши лозим.

Бошланғич таълим – таълим-тарбия

ўқоғининг илк даври ҳисобланиб, айнан шу даврда боланинг барча имкониятлари ишга солинган ҳолда, қобилиятлар рўйбга чиқарилади. Бошланғич синф ўқитувчисининг сўзлаётган нутқида ўқувчиларнинг педагогик, психологик ва физиологик хусусиятлари ҳамда интеллектуал имкониятларининг инobatта олиниши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ўз нутқидаги барча имкониятларни ишга солиб, ўқувчиларнинг ҳам нутқини ривожлантириши, ҳаттоки нутқида айрим нуқсонни бор болалар ҳақида ҳам шошилиш хулосага келмасдан, бундай ўқувчилар билан индивидуал тарзда ишлаш натижасида ундаги камчиликларни бартараф этиши лозим. Нутқ сўзлаш ва ўқиш жараёнида ҳавони кўпроқ олиш, уни тежаб сарфлаш ва тез-тез янгилан туриш лозим. Нутқли нафасда ҳавони чиқариш, ҳавони олишдан кўра узокроқ бўлади.

Ўқитувчи нутқининг муҳим жиҳатларидан яна бири – овознинг ўзига хос бўлишидир. Бизга маълумки, инсоннинг овози йиллар ўтиши

билан ўзгариб бориши, баъзан эса овоз бузилиш ҳолатлари ҳам юзага келиши мумкин. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд. Масалан, овоз зўриқиши овознинг бузилишига олиб келади. Тажрибада бундай ҳолат кўпгина соҳаларда, айниқса ўқитувчиларда 50 фоизни ташкил этиши кузатишган. Тадқиқотларда кузатилишича, паст овозда тушунтириш, баланд овозда тушунтиришдан кўра самаралироқ ўзлаштирилган экан.

Бундан ташқари, ўқитувчи нутқ сўзлаётганда ўз диққатига ҳам эътибор қаратиши лозим (Диққия – сўзловчи талаффузининг аниқ ва тушунарли бўлишидир). Шундангина ўқитувчи нутқининг ҳар бир сўзи ва жумласи аниқ талаффуз этилади.

Ўқитувчи нутқининг асосий хусусиятларидан яна бири – нутқнинг мимик ва пантомимик ҳаракатлари билан мос келишидир. Мимика – ўз фикрининг ҳиссиёти ва руҳий ҳолатини ифодалаш деганидир. Баъзида ўқитувчининг юз ифодаси ва имо-ишораси у айтмоқчи бўлган сўздан ҳам кучли таъсир қилади.

Пантомимика деб – гавда, қўл ва оёқ, имо-ишора каби ҳаракатларга айтилади. Бундан биринчи навбатда, ўқитувчи дарс пайтида гавдани тутиш эстетикасини билиши ва салбий одатлардан холи бўлиши лозим, яъни: орқага ёки олдинга чайқалиш, бир оёқдан иккинчисига оғирлиқни ташлаш, қўлда дарсга алоқасиз буюмларни ўйнатиш, бош қашлаш, томоқ қириш, қулоқ ёки тиш қовлаш мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқитувчисининг касбий маҳоратни эгаллашида нутқнинг аҳамияти бекиёс экан. Ўқитувчининг нутқи, унинг талаффузи, диққияси, пантомимик ва мимик ҳаракатлари билан уйғунлашса ҳамда чуқур касбий билимлар заҳирасига эга бўлсагина бундай ўқитувчи моҳир ўқитувчи бўла олади.

Умида АБДУРАИМОВА,
Қарши шаҳридаги 43-умумтаълим мактабининг ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

YOR VA DIYOR KUYCHISI

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятига ўзига хос ўринга эга адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва буюк саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараш ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган "Бобурнома" асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари ҳисобланади. Шу боис, уларнинг адабий меросини ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлодга бу бой хазинанинг қадри нақадар қимматли эканини тушунтириш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси билан ҳамкорликда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, улуг' аллома

– Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишлаб "Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёр ва диёр куйчиси" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат марказининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори Феруза Муҳиддинова, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғининг тарбиявий ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари, полковник Даврон Усмонов, Инновация ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, фалсафа

фанлари доктори, профессор Рустамжон Самаров, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ходимлари ва курсантлари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавияти тарихида




муносиб ўрин эгаллайди.

Тадбирда курсантлар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, улуг' мутафаккир қаламига мансуб ғазаллар ва шеърларидан намуналар ўқилиши тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Ушбу маънавий-маърифий тадбир ёш авлодни тарихимизга, адабий меросимизга бўлган қизиқишини янада ошириш, улар қалбида фахр, ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тадбир якунида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан курсантларга эсдалик учун китоблар тақдим этилди.

Мукаррам Азиз,
"Оила ва жамият" муҳбири.

BILASIZMI: O'ZBEKISTONDA NECHTA MAKTAB BOR?



Давлат статистика кўмитасининг сўнгги маълумотларига кўра, юртимизда хусусий мулкчилик шаклидаги умумтаълим муассасаларини қўшиб ҳисоблаганда 10090 та мактаб фаолият юритаётганлиги аниқланди. Ушбу мактабларнинг энг кўпи – 1260 таси Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг кам эса 312 та билан Сирдарё вилоятида кузатилди.


2019/2020 ўқув йили бошига, умумтаълим муассасаларининг биринчи синфига қабул қилинган ўқувчилар сони бўйича энг юқори курсаткичга эга ҳудуд Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё

вилоятларида қайд этилган, энг кам курсаткич Сирдарё ва Навоий вилоятларида кузатилган.

Мактабларда энг кўп ўқитилаётган фан бу биринчи ўринда Она тили ва адабиёти фани бўлса, иккинчи ўринда инглиз тили фанига бўлган талаб юқорилиги кузатилди. Статистика бўйича француз тили энг охири ўринда. Албатта бу – замон ҳамда фанга нисбатан талабдан келиб чиқиб белгиланади.

Нилуфар Муродова,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати ходими.

Umumta'lim muassasalarini pedagoglarining fanlar bo'yicha taqsimlanishi, %da



Zo'ravonlikni KIM to'xtatadi?!

Бу ҳақда узоқ вақт очик-ойдин гапирилмади. Гапирилган тақдирда ҳам аёлнинг айби бор-да, деган хулоса қилдик. Оилани сақлаб қолиш учун аёл нималар қилмайди, бир таёк еса ебти-да, дейдик. Ҳалиям кўпчилигимиз гарчи бир эшитганимизда даҳшатга тушсак-да, ич ичимиздан оилада нималар бўлмайди, рўзгор дегани бир лойқаланиб, кейин тинади, деган хулосамиз тайёр туради.

Зиёли бир опохон яқинда қўеви (энг ҳайратланарлиси, ўзгаларга ибратли оила фарзанди) қизини қаттиқ дўппослаганидан ҳозир шифохонада эканлигини айтиб қолди. Бу ҳолат биринчи марта эмас, қайнонасининг гиж-гиллаши таъсирида қувв кўл кўтаришга ўрганиб қолган экан. Шифокорлар ҳолатни тушуниб, ички ишлар ходимларини чақирмоқчи бўлган экан, қиз томон «жон укалар, бу оиласи билан яшаши бор, илтимос, меласа аралашса оиласи бузилиб кетади» дея муолажани ҳам уйда оладиган бўлишибди.

Бу ҳолат агар яқин кишингиз оиласида руй бермаса бошқа пайт оддий ҳолга қарагандай эътиборсизлик қиламиз... Афсуски, минглаб оилаларда шундай... минглаб аёллар, бир мушт билан камайиб қолармики, деб яшайди. Тан жароҳати ўтиб кетади, аммо у ўнлаб асоратларни йигиб бораверади, аёл руҳиятида, вужудида. Ёши бир жойга боргач, уронгич эр босилиб қолади, аммо умр йўлдошининг қон босими ошади, йиллар давомидаги оғриқлар ўтпуфагида тош пайдо қилади.

МАДҲ ЭТИЛГАН ЗУРАВОНЛИК

Яқинда тахририятга Пастдаргом туманидан бир аёл келди. Ундан, бундан гапирди, аммо дардини айтмайди.

– Бирор муаммонгиз борми, опа? – дейман.

– Муаммо деб бўлмаса керак-я... Лекин биласизми, ҳозир аёлларни арзиманган нарсаси ажабланиб кетаётганидан қуяманда. Мен тўрт фарзандим учун нималарга чидадим, биласизми?! Узим мактабда ишладим, томорқада экин тикин қилдим. Ўйламанг, ёлғиз аёл эмасман, хўжайиним бор. Аммо бир иш бошлаб, ўхшамай қолди. Бор аламинин оиласидан оладиган бўлди. Сал гапга жанжал, тўполон. Неча марта ёш болаларим билан кўчага ҳайдаб юборарди. Ярим оқшом ташқарида дилдираб ўтирганларим ҳечам эсимдан чикмайди. Ўзига келган, яна яшардик. Аммо болаларимга кўл қўтардик. Уйга борсак, вазият яхшимикан, деб юрак ховучлаб яшадим. Аламимни ишдан олдим, уйимдаги тозаллик, томорқамизга ҳамма ҳавас қилардик. Мана, сабрим авазига фарзандларим ҳаммаси яхши ишляпти, келинларим меҳрибон. Тўғри, ҳалиям ўша одати бор, келинларни олдида уяламаган, урганда жим йилгайман...

Аёл йилга олди, меням кўзларим ёшланди. «Шунга арзиманган нарсаси ажрашаётганларни кўрсам, дилим хуфтон бўлади»... дейди аёл. Кейин эса сизга дардларимни айтиб енгил тортдим, деб кетди. Эътибор беряпсизми, у йиллар давомида кўнглида тўпланиб қолган аламларини айтиш учунгина келган, аслида.



Узоқ вақт оммавий ахборот воситаларида ҳам, эл орасида ҳам аёлларни мадҳ этдик. Мадҳ этиш баробарида сиз ҳам шундай аёллардан ўрнак олинг, оиласи учун ҳар қандай хўрликка чидаган аёл ҳақиқий шарқ аёли, деган гоини ҳам билиб-билдирмай сингдирдик. Бугун эҳтимол, жойларда баъзи аёлларнинг арзимас сабаблар билан ажрашиб кетаётгани, оила аталмиш муқаддас макон ҳақидаги тушунчалар тобора саёзлашиб бораётгани ҳам рост. Буни йилдан-йилга ошиб бораётган акралишлар кўрсаткичи ҳам кўрсатиб турибди. Аммо ҳали-ҳануз кундалик таътиқлар ичида яшаб, буни бировга билдирмай келаётган аёллар ҳам кўп. Айниқса, оиладаги зўравонликлар билиниб қолгудай бўлса ҳам буни яширишга, ички ишлар идоралари, маҳаллани аралаштирмасликка уринаётган ҳолатлар бисёр. Зўравонликка қарши курашиш қонун билан белгиланган, бу борада бироз ўзгаришлар кузатиляпти.

УЗОҚ КУТИЛГАН ХУҚУҚИЙ АСОС

Хусусан, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида куйидаги ахборотларга тез-тез дуч келяпмиз. «Тойлоқ туманида яшовчи фуқаро М.М.нинг турмуш ўртоғи З.Х. томонидан мунтазам таътиқ ва зўравонликка учраб келаётгани тўғрисидаги муружаатномасига асосан 2020 йил 22 май куни фуқаро М.М.га бир ойлик муҳлат билан Тойлоқ тумани ИИБ томонидан "Ҳимоя ордери" берилган эди. З.Х. белгиланган чекловларни бузиб, турмуш ўртоғига нисбатан зўравонлиқни давом эттирганлиги учун унга нисбатан ҳужжатлар тўпланиб, Тойлоқ тумани маъмурий ишлар бўйича судига тақдим этилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ахборот хизмати хабарига кўра, 12 июнь куни суд томонидан фуқаро З.Х.га нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди».

Бундай чоралар мамлакатимизда "Хотин-қизларни таътиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Таътиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида» низоми қонуний кучга киргач, амалга оширила бошланди. Шунингдек, ушбу қонун ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш комиссияси

томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан таътиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефони» хизмати йўлга қўйилди.

Худудларда 300 га яқин хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш марказлари ташкил қилинди.

Аммо ҳуқуқий асослар бўлса-да, ҳамон оиласи парокандаликка юз тутишини истамаган аёллар бу ҳолатни очиклашни истамаётгани бор гап. Юқоридagi мисол ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди. Табиийки, бу фақатгина хотин-қизларнинг оиласини асраб қолиш, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, фарзандларини отаси ҳўстиришга интилишига эмас. Кўп ҳолларда уларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги, ота уйига қайтиб, у ерда ҳам ҳаловат топмаслиги ҳам белгиланади.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛИШИ ЯХШИ НАТИЖА

– Зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг

ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъвоуз қиладиган гайриҳуқуқий ҳаракат деб баҳоланади, – дейди Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими катта инспектори Нилуфар Сатторовва. – Ҳимоя ордери хотин-қизларга бешта ҳолатда: жисмоний, жинсий, иқтисодий, руҳий зўравонликда ва таътиқ ўтказилганда тегишли тартибда берилмоқда.

Бизга келиб тушган муружаатлар асосида шу пайтгача вилоят миқёсида 103 нафар хотин-қизларга ҳимоя ордери берилди. Оилавий келишмовчиликларнинг 56 таси жойида, тўғри тушунтириш орқали барҳам топди.

Маийш зўравонлик содир бўлган оилаларда хотин-қизларга тан жароҳати етказган фуқароларга бу ҳолат жинсий жавобгарликка сабаб бўлиши тушунтирилмоқда. Зўравонликка дуч келган хотин-қизлар худуд профилатика инспекторлари томонидан назоратга олинмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-

қувватлаш бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ҳимоя ордери берилган хотин-қизларнинг оиласи бир ой мuddат давомида назоратда бўлади. Иккала томонга ҳам ҳуқуқий ва тегишлича турли йўналишларда тушунтиришлар берилади.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН, КЕЛИН-ОВСИН, КЕЛИН-ҚАЙНСИНГИЛ...

– Бизда оилавий муносабатлар шу қадар мураккабки, руҳшунос мутахассислар ҳам кези келганда бу борада мураккаб вазиятга тушиб қолишади, – дейди психолог Абира Бахромова. – Қўллаб хориждаги ҳамкасбларимиз билан халқаро конференцияларда учрашиб, фикр алмашганда улар ҳам бизнинг оилалардаги вазият ҳақида ҳайратланиб муносабат билдиради. «Бизда оилавий муносабатлар деганда асосан эр-хотин ва ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатлар тушунилади ва биз руҳшунослар айнан шу ҳолатлар бўйича иш олиб борамиз. Аммо билишимизча, сизларда вазият мураккаброқ. Дейлик, қайнона-келин, келин-қайнсингил, келин-овсин, келин-қайнукалар ва ҳоказо муносабатлардан сўнггина эр-хотин ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликларни англаб олиш мумкин. Бу нафақат ўша оиладаги аёл, яъни келинга, балки руҳшуносга ҳам қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бир оилада ҳамма нарсани келинга боғлаб қўйиш аёл кишига ҳар томонлама оғирлик қилиши аниқ». Хорижлик ҳамкасбимизнинг бу фикрлари барчамизни ўйлатиб қўйиши табиий.

Зўравонлиқнинг олдини олишга ҳар томонлама жиддий киришилган бир пайтда ҳам «йўқ, уни жазага тортманг, ахир турмуш ўртоғим у» дейдиган аёллар жуда кўп. Бу вазият шунчалик нозикки, бундай вақтда нимадир йўл тутиш, фикр билдириш бир пайтнинг ўзида тўғри ҳамда нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Тўғрлиги шундаки, аёл ўзи муқаддас санаган оиласини асраб қолиш йўлида, унга етказилган зарбани аллақачон кечириб юборди ва оилавий ҳаётига қимдир аралашшини истамайди. Нотўғрилиги ҳақида юқоридagi фикрларнинг ўзи етарлича далил бўла олади. Хўш, қайси бири тўғри ўзи? Нега биз йиллар давомида бу мавзуга қўл уришга ҳафсала қилмадик? Нега ҳамон аёлга қўл кўтаришга оддий ҳолдек қараймиз? Бунинг илдизлари қаерда ўзи? Угли болани тарбиялашдаги нўноқлигимиз эмасми бу? Назаримизда дуппа дуруст, аммо ташқарида биланмаган таътиқ билан яшаган оила аълоларидан чиқмаептимикан турли жиноятлар, баъзи вахшийликлар... Ёки қайноналарнинг ўглини рафиқасига қарши қўйиши, шу орқали уни қўл кўтаришгача олиб боришни кўриб, билиб юрибмиз.

Афсуски, биз бугун таъкидлашдан чарчамаётган, хотин-қизларга эътибор, уларнинг дардини тинглаш каби амалий ишлар баъзи шарттаки аёлларгагина қўл келмоқда. Бу алоҳида мавзу, албатта.

Оиласида, юқоридagi пастдаргомлик аёл сингари азобларни бошидан ўтказган аёл ҳақида кўни-қўшнилари билиб, уни мактаб ўтириб эмас, унга ёрдам қўлини қўйишни ўрганимас экан, зўравонликлар давом этаверади. Жамиятда зўравонликка қарши умумий бир тушунча, қарашларни енгит ўтмас эканмиз, ҳамон «қайси бири тўғри ўзи?» деган савол қаршисида қолаверамиз. Биз тўғри йўл тутаяпти, деб юрган аёл эса аслида ўзига ҳам, оиласига ҳам, жамиятга ўша пайтда унча англамаган зиённи етказиб бораверади.

Гулрух МҰМИНОВА,
Самарқанд вилояти.

oilavajamiyat@mail.ru

HUNARI BORNING BAXTI BOR



Ёшлик чоғларим эсимда, оналар қизларининг сепига ўзлари тўқиган гиламларини қўшмасдан узатмасдилар. Фарзандларини туғилганидан бошлаб, уларга атаб гилам тўқиб қўйишарди. Шу боисдан бизда хунармандчиликнинг бу турига қизиқмаган, уни билмаган қизу жувон йўқ эди.

гиламмимга алоҳида баҳо берган эдилар, — дейди ҳамшаҳримиз гиламдўз опа Оқилой Хўжамқулова 2019 йилнинг сентябрида Қўқон шаҳрида бўлган халқаро фестивалда бўлган таассуротларини сўзлар экан, “бу гиламни тўқиш учун қанча сабр-бардош, маҳорат керак бўлган экан-а. Нега бу каби қадимий услубдаги гиламларни хорижликлар олиб кетиши керак, нега ўзимиз сотиб ололмаймиз”, деган фикрларини ҳам билдириб ўтдилар. Шундан сўнг,

Президентимиз назарлари тушган гиламни кўрайликчи, дея қизиқиши ортанлар кўп бўлди. Уни тўқишлиқ тарихини сўрадилар. Гарчи ўзим хоҳламаган бўлсам-да (раҳматли онамнинг кўллари теккан эди), юртдошларимиздан бирига 800 АҚШ долларга сотиб юбордим.

Жун маҳсулотларидан гилам тўқиш, кигиз босиш ишлари бугун санъат даражасида, — дейди қаҳрамонимиз. Чунки Оҳангарон худудлари қадимдан чорвадорлар макони бўлган.

Ёшлик чоғларим эсимда, оналар қизларининг сепига ўзлари тўқиган гиламларини қўшмасдан узатмасдилар. Фарзандларини туғилганидан бошлаб, уларга атаб гилам тўқиб қўйишарди. Шу боисдан бизда хунармандчиликнинг бу

турига қизиқмаган, уни билмаган қизу жувон йўқ эди.

Хозирда Оқилой опа Республика “Хунарманд” уюшмасининг тавсияларига мувофиқ “Уста-шоғирд” аъналарини давом эттириб, карантин вақтида ҳам шоғирдларини бўш қўймай, маҳорат дарсларини онлайн тарзда олиб бормоқда. Араби гилам, поёндоз, жойнамоз, сумкача, хуржунлар каби қадимги уй жиҳозларини замонавий тус бериб, янгича кўринишда тўқиб, хариддорчилигини таъминламоқда.

Албатта, табиий жун маҳсулотидан тайёрланган бу гиламлар сифати, пишиқлиги жиҳатидан эътиборни тортади. Оқилой опа шоғирдлари билан санъат асарига айлантирган маҳсулотларини ҳар йили савдо кўргазмаларида хорижлик ҳамда маҳаллий истеъмолчилар эътиборига ҳавола этиб келмоқда. Яна бир қизиқ жиҳати, гилам тўқишлиқ учун зарур бўлган асбоблар жуда оддий, йиғирилган иплар, рангларнинг жиллиги ҳам барча-барчаси кўлда тайёрлангандир. Бу ҳам, албатта, хунарманд элимизнинг зуккочилигининг бир кўринишидир.

Марғуба СУЛТОНОВА,
Олмалик шаҳри.

Қишнинг илк оғи яримлади. Сўппайган дарахтларда яшилликдан асар йўқ: “Бир япроқ қолмаптур шивирлайтурғон...”

Ҳали баҳор келсин, майсалару япроқларнинг шивирлашига маҳлиё бўлмаган кимсани тополмайсиз. Кузда хазонларни йиғиб, мол-қўйларга ҳашак ўрнига берардик. Кун ўтарга, акам билан қопларни тўлдириб, зичлаб-тепкиларканмиз инграб юборарди, гўё. Яқиндагина бошимиз устида эди, энди оёқларимиз остида.

Кейин улғайдик. Ўспиринлик чоғимиз япроқлар ўзгача шивирлай бошлади. Ойдин кечаларда суйганимизни интизор кутарканмиз, чапак чалаётгандек кўринар, сал ўтиб андишаниб юз-кўзларини беркитарди. Тонг ёриша бошлагач кўл силкиб ушлашадди. Куз келгач, қадрдон теракларнинг хазон япроқлари сиримиз билан бирга кўмилиб кетади.

Кўклам келиб янгилари бўй кўрсатади. Келинлик либосидаги гўзални узоқдан кузатаман. Япроқлар бошимни силаб тасалли беради. Муҳаббатимизга гувоҳ теракни қучиб, йиғлагим келади. Баридан беҳабар кўнгли ярим ой ҳавасланиб боқади.

Орадан йиллар ўтди. Осуда тунларнинг бирида ўғилчамни тўсишга олиб чиқаман.

— Дадажон, қаранг, осмоннинг чироғи ёниқ қолибди.

Эшитмаганга оламан, ой ўтмишимни эслатади. Қора булутлар ойдинликни хиралаштиради.

— Бизнинг светимиз ўчмайди-я?..

Унинг бидиллашлари қулогимга кирмайди. Ойга термулиб сўзлашганларимизни кўмсайман. Хаёлланаман. Этагимдан тортган ўғилчамни опичлаб оламан.

— Сендан яхшиси йўқ, — дейман юзидан чимчиллаб.

Унинг жағи очилади, анча вақтгача ухламай ётамиз. Кўзим илиниб, туш кўрибман. Ям-яшил майсалар билан қопланган боғамиз. Куртак ёзиш арафасидаги дарахтларга яқинлашсангиз ютиб юборгудек. Қулогимга най навоси чалинди. Борлиққа сингиб, жилгаларга қўшилиб кетгим келади. Мунгли хиргойидан ўзимга келдим. Қаршимда у тўкин саватчани тутиб турарди. Қўл чўзмоқчи эдим, юзимга беозор уриб қўйди.

Бег‘убор болalik



Уйқусираётган ўғлимнинг кўлчасини секин суриб, жойига ўтказдим. Тушимнинг давомини кўришни хоҳладим. Иложи бўлмади. Ташқариладим. Япроқларни шитирлатиб ўйнаман, силкитаман. Бирортаси тўқилмайди. Қўлим билан ситиб оламан. Узоқларда қолиб кетган суюклигимнинг овози қулогимга чалинади.

— Ярим кечаси нима қилиб юрибсиз?

— Мана бу теракларни кўряпсанми, уларни кесамиз, уй қурамыз, тўй қиламыз.

— Хўп, фақат тонг отсин.

Япроқлар қулогимга оёқ остида қолишни истамаётгандек шивирлайди. Қарсақ чалади, ичимга илиқлик юғради. Шу туни тонг отгунча ухламайман. Уларнинг шивирли қулогим остидан нари кетмайди.

Бирор япроқ Яратганининг изинисиз ерга тушмайди. Умрим мусофирчиликда ўтгапти. Қишлоққа борсам,

яқинларим қанчалар кўплигини ҳис қиламан. Кўп ўтмай орамизда кўз илғамас масофа борлиги сезила бошлайди. Кимга тавалло қилишни билмай қоламан. Ёлғиз тананг дўст, онанг дўст. Ўзига сиғмайдиған одамзот ўзидан кечолмайди. Ўзлиги таъқиб этаверади. Кунларнинг бирида бандидан узилган япроқдек фоний дунёни тарк этади.

Бу ҳақда ўйласам, шаҳарга сиғмай қоламан. Қишлоққа отланаман. Болалигим ўтган ҳовли, кўчалар, дов-дарахтлар, қир-адирларни соғинаман. Назаримда, мен икки-таман. Бири мактабни тугатар-туғатмас, шаҳарга йўл олган.

Бошқаси қишлоқда яшаб юрибди, ўзгармаган. Тенгдошлари аллақачон улғайган, уйланган, фарзандли бўлган. Жиянларимнинг синчков нигоҳлари, онажонимнинг ажин босган юзларида ўтган йилларнинг изларини кўраман.

Болалигим менга бўй бермайди. Бир гал маҳкам қучиб олдим. Йигирма йилдан буён қаровсиз қолдирганимга қаттиқ ранжиган экан. Уни унутиб, тентиб юраверибман. Узоқ

сухбатлашдик. Машина ясаб ўйнаганимизни, чанги тойганимизни, қўй боқиб, картошка кўмиб еганимизни, биринчи муаллимдан калтак еб, яхши ўқийдиган бўлганимизни, мактабда шефликка талашиб ёқалашганларимизни эслатади, мен талабалик йилларим, саёҳатлар, шаҳар ҳаётидан гапириб бердим. У улғаяр, мен ёшариб борардим.

Ниҳоят, тенглашиб, оламини бир хилда идрок эта бошладик. Таниш дарахтзорни айландик. Тушимда кўрганам ям-яшил майсалар билан қопланган боғ кўр тўқиб турарди. Ўша ёққа юргудик. Дарахтлар шодумон қаршилади. Атрофни япроқлар шивирли тудди.

Азиз НОРҚУЛОВ.

MAHALLADOSHILAR DARDU TASHVISHI

Аслида инсонни ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун кўп нарса керак эмас. Оила, бошлана ва кунлик ризқ. Бироқ мана шу заруриятлар ҳаммада ҳам бисёр эмаслиги бир инсон қисматида кемтикликни пайдо қилиб, кейин у оила, маҳалла, туман, қўйинги, жамият тақдирида акс этади. Ўз ўрнида ечимини топмаган муаммо ортидан бошқалари юзага келиши табиий.

Шунинг учун эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш масаласига асосий вазифа сифатида қараямиз. Жорий йилда ана шундай инсонларнинг 23 нафарини уйли қилишни назарда тутганмиз. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож, оғир вазиятда яшаётган оладингиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда 34 нафар хотин-қизларга 1 миллион сўмдан маблағ тақдим этилди.

Йил бошидан 44 та ажрим ёқасига келиб қолган оила мавжуд эди, шу кунгача 32 та оила яраштирилди. Айни пайтда 19 та ўзаро муроса қочган оилалар билан иш олиб боряпмиз. 12 та нотинч оила алоҳида назоратга олинган. Бундай оилалар йил бошида 72 та эди, 4 ой давомидаги меҳнатларимиз натижасида шунчага қамайди.

Маҳаллаларни обод масканга айлантириш мақсадида ҳам бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Тумандаги бўш бинолар аниқланиб, уларнинг 80 таси учун инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва 8,125 миллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада 335 та янги иш ўринлари яратилди. Фуқаролар йиғинларида томорқасини қаровсиз ташлаб қўйган оилалар билан ишлаш натижасида маҳалладошларнинг ерга нисбатан муносабати кескин ўзгарди.

Республика даражасидаги аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, жумладан, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида 5 нафардан иборат алоҳида томорқа ишчи гуруҳи шакллантирилди. 445 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож хонадон эгалари фермер хўжалиқларига бириктирилди. Ногирон, яққа-ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 556,1 гектар томорқа майдонларига баҳорги экинлар ҳамда 30 504 туп мевали, 9267 туп манзарали дарахтлар экилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам маълум натижаларни қўлга киритяпмиз. Туман бандликка кўмаклашиш маркази бўлими билан ҳамкорликда 5609 нафар ишсиз фуқароларнинг 164 нафарини ўзини-ўзи банд этишига эришяпмиз, 6432 нафари жамоат ишларига жалб этилди. 670 нафар фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланди. Уларнинг 323 нафари аёллар. Шунингдек, 680 нафар фуқаро тадбиркорлик йўналиши бўйича фаолият юритиб келмоқда.

Яна бир хайрли чора-тадбир «бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили доирасида «Мингбулоқ кооператив томорқа хизмати» МЧЖ томонидан Навоий ММТГ худудидаги 6,5 гектарли майдоннинг 4,0 гектарига томчилаб суғориладиган иссиқхона қуриш ва 0,3 гектарига музлаткичли омборхона

E'TIBORIMIZDA



ва логистика маркази ташкил этиш режалаштирилган. Кам таъминланган, ишсиз, аввал меҳнат мигрантлари бўлган фуқаролар билан бандликка кўмаклашиш маркази ва МЧЖ ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Шартномага



даврида оила иқтисодини яхшилаш учун ердан унумли фойдаланиш талаб этилади. Мингбулоқ туманининг "Тегиримонбоши" маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада ўзига хос аъёна ва тамойиллар мавжуд.

Айни пайтда 2482 нафар аҳолига эга фуқаролар йиғинида 540 та хонадон мавжуд. 622 та оила истиқомат қилади. Барча хонадон озми-кўпми ўз томорқасига эга. Энг қувонарлиси, улар орасида томорқадан унумли фойдаланаётганлар жуда кўп.

– Йил бошида кам таъминланган деб тоналган оилалар сони 42 та эди, – дейди МФЙ раиси Турсунбой Ўсаров. – Мана, йилнинг ярмига келиб, бундай оилалар сонини 29 гага қисқартиришга эришдик. Маҳалламиз аҳли ёғочни қайта ишлаш, мева-сабзавотлар учун ёғочдан яшиқлар тайёрлаш бўйича каттагина тажриба тўплаган. Жорий йил бошидан кичик бўлса-да, ўндан зиёд хонадонларда ёғочни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Битта ускунаси бор оила беш-талаб кўни-кўшнисини иш билан таъминляпти. Даромад ҳар куни 50-60 минг сўмдан ошади.

Масалан, Кароматхон Садинова 27 ёшли ўғли Худойберди билан ана шундай фаолият билан 5 аёл, 5 эркакни ишга қилди. Бу оиланинг бир ойлик даромади 3,5-4 миллион сўмга етаяпти. Яна бир ёш йигитимиз Беҳзод Ҳошимов ҳам кредит маблағлари ҳисобига хонадо-

нига ускуна ўрнатиб, ўзини ва яна бир неча кишини иш билан таъминлади.

Садоқат кўчасида яшовчи Абдували Ғойипов оиласида 6 та жон истиқомат қилса-да, бу ерда 18 кишини ёғочни қайта ишлаш билан машғулликка гувоҳ бўлдик. Ишчиларнинг ярми аёллар, улар гарчи болға ва миҳ билан ишлашса-да, иш у қадар оғир эмас. Кичик-кичик ёғоч бўлақларини махсус мослама устида миҳчалар билан бирлаштириб, яшиқлар ясаляпти.

– Астойдил ҳаракат қилсангиз, кунлик даромадин 100 минг сўмгача чиқаришингиз мумкин, – дейди ишчилардан бири Шокиржон Абдуллаев. – Чунки қанча тез ишлансангиз, шунча кўп ҳақ оласиз. Бу олис мусофир юртга бориб ишлагандан яхшироқ.

Тегиримонбошиликларнинг яна бир оммалашган фаолият тури иссиқхонадан фойда олиш. Шу кўчада истиқомат қилувчи Абдусалим Каримов хонадонидида 7 сотихли иссиқхонанинг ери сира бўш турмайди. Қиш бўйи исмалоқ ва кўкат, эрта баҳордан помидор ва бодринг маҳалла аҳлининг дастурхонини безайди. Харидорлар ўзлари келиб, маҳсулотни уйдан олиб кетишади. Бу йил бошида бодрингнинг ўзидан 4 миллион даромад қилинган бўлса, икки ой аввал пиша бошлаган помидорни ҳозиргача 7 миллион сўм атрофида сотишди. Иссиқхонада ҳали ҳосил сероб.

– Оилада болалар ҳам деҳқончилик сирларини кўриб, кўзи пишиб катта бўлиши керак, – дейди Абдусалим ака. Отам биолог эдилар. Ҳовлимизда дарахт ва бошқа экинларнинг минг бир тури ўсарди. Янги навлар яратиш отамнинг энг сеvimли машғулоти эди. Отамиз ёнида ишлаб завқланардик. Бугун мен ҳам фарзандларимга билгаларимни ўргатаймиз.

Оила аъёналари шу тариқа давом этиб келмоқда. Иссиқхонани яхшигина даромад манбаига айлантирган Тўйчибой Мамадалиев, Фаридахон Каримовлар хонадони, яна ўнлаб хонадонларга эндигина иссиқхоналар ўрнатилиб, тажрибалилар бундай оилаларга бириктирилган. Шу йўл билан аҳоли орасида камбағалликни қисқартиришга, боқимандалик кайфиятига барҳам беришга эришляпти.

– Маҳалла бинноси худудида иш қизгин, – дейди раис. – Бу ерни хусусийлаштиришга қарор қилдим, ҳужжатлари қонунийлаштирилган, 10-12 хонадан иборат гузар қурилади. Қурилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам бор. Гузарнинг хоналари кам таъминланган оила фарзандлари бўлган хунарманд ёшларга бепул берилади. Бу улар учун бир умрлик таъминот манбаи бўлиб қолади, ҳам маҳалла аҳли учун сартаршоҳона, озик-овқат дўкони, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, тикувчилик каби хизмат кўрсатиш нуқталари пайдо бўлади.

Албатта, яхшилиқнинг йўли ҳам, қўли ҳам узун деб шунга айтадилар. Тегиримонбошининг ўзига хос эзгу аъёнаси ва тамойили ё раис Турсунбой аканинг собиқ ички ишлар ходими бўлганлигидан, ёки маҳалла аҳлининг раис атрофида ҳамжиҳат ва бирдамлигидан. Нима бўлганда ҳам, ризиқни ҳалоллик билан топиб еяётган маҳаллада ибратта лойиқ режалар ва амалий ишлар кўп. Кўнгилни қувонтирадиган жиҳат бу фуқароларни оиласидаги имкониятлардан келиб чиқиб, муस्ताҳкам даромад топишларига замин яратилаётганидир.

Санобархон АБДУРАҲМОНОВА,
Мингбулоқ туман ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

“ТЕГИРМОНБОШИ”НИНГ ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛИ БОР
Эр хазина. Унга меҳр берилса, ризқ яралади. Ер эгаси бўлган, унинг қадрини билган инсон рўзгоридида камлик бўлмайди. Айниқса, бугунги пандемия асосан ишсиз фуқарога 0,01 сотих ер майдони 5 йилга ижарага берилади. Ижара шартномасига асосан Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан субсидиялар ажратилади.
Бу саъй-ҳаракатлар замирида аҳоли ҳаётини янада яхшилаш, оилаларни обод қўшага айлантириш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш турибди. Бошқача айтганда, ҳар бир мингбулоқлик дарду ташвиши диққат эътиборимизда.

“ТЕГИРМОНБОШИ”НИНГ ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛИ БОР
Эр хазина. Унга меҳр берилса, ризқ яралади. Ер эгаси бўлган, унинг қадрини билган инсон рўзгоридида камлик бўлмайди. Айниқса, бугунги пандемия

KARANTIN OILAVIY MUNOSABATLARGA TA'SIR QILDIMI?



Мана, бир неча ойдирки, олам ва одам ўзи кутмаган, тайёр бўлмаган оғир синовни енгиш учун суронли кураш олиб бормоқда. Март ойида жорий этилган карантин талаблари босқичма-босқич енгиллаштирилаётганига қарамай, ҳамон ўз кучида.

Пандемия нафақат давлатларнинг ривожланиш йўналишлари, ички ва ташқи сиёсати, ҳаттоки, oilaviy munosabatlarga ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Узоқ вақт бир жойда ўтирмаган, уйда ишлаб ўрганмаган аҳоли қатлами карантин талаблари туфайли уйда қолишга мажбур! Бу эса одатий ҳаёт тарзи, oilaviy муҳит, munosabatlarning ўзгаришига олиб келмоқда...

Феруза Азимова, Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи:

– Оила – бир кунлик эмас, бир йиллик ҳам эмас, балки бир умрлидирки, бу маконда ҳар кун, ҳар соатда ёки ҳар ой, ҳар йилда қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалар, янгидан-янги ташвишу қувончлар содир бўлади. Кузатишларимиздан аёнлашадиги, аксарият oilalar карантинда уйда ўтириш оқибатида “қайтадан топишди”. Ота-она, фарзандлар бир-бирини қайта “кашф этди”. Масофавий таълим, онлайн дарсларнинг асосий масъулияти ота-она зиммасига тушди. Фарзандларнинг сифатли билим олиши, дарсларни пухта ўзлаштиришини истаган ота-оналар улар билан биргаликда машғулотлар олиб боришди, топшириқларни ўз вақтида бажаришди. Бу жараёнларда айниқса, отанинг иштироки юқори бўлди. Бу ўз-ўзидан фарзандларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди, дея оламыз.

Карантин сабаб Хитойда oilaviy ажримлар анча кўпайди. Жумладан, март ойида марказда жойлашган Сиан шаҳри ҳамда Сичуан вилоятидаги Дажоу шаҳарларида рекорд даражадаги oilaviy ажрашишлар қайд этилган. Туркияда эса март ойидаги ажралиш учун даъво аризалари сони январь ойидаги таққослаганда 4 маротаба кўп келиб тушган. Хўш, нега? Бу ҳолат бизда қандай кечмоқда?

ХИТОЙНИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН СОЛИШТИРИБ БЎЛМАЙДИ!

Шоира ИСАКОВА, психолог:

– Биласизми, Хитойни Ўзбекистон билан солиштириб бўлмайди. Негаки, бу юртининг oilaviy қарашлари, қадриятлари, урф-одатлари, ота-она ва фарзандига бўлган munosabati бизнинг миллатимиздан бирмунча фарқ қилади. Юртимизда оила – азалдан муқаддас даргоҳ сифатида қадрланади. Уни асраш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Оила аъзоларида сабр-қаноат, вафо-садоқат, сабр-шукур каби ижобий сифатлар билан бирга ўзаро ҳурмат, самимият, катталарни эъзозлаш, бир оила бўлиб аҳил-иноқ яшаш ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган. Шубҳасиз, мен ўтган 2 ойни “Карантин ойи” эмас, “Бахтли оила ойи” деб атаган бўлар эдим. Негаки, ишдан кейин чойхонадан нари келмайдиган оталаримиз уйда бўш вақтларини ўтказадиган, томорка, уй ишларида аёлларига, оналарига елкадош бўлишди; оналаримиз яна бир бор пазандалиқларини маҳорат билан кўрсатиб, таомлари ҳеч бир номдор ресторанидан қилинмаслигини исботлашга имконият берилди.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, баъзи оила аъзолари ўртасида турли кўришни ва даражадаги зиддият-

лар, қаршиликлар, хаттоки, уриш-жанжаллар, oilaviy таъйиқ ва ўзравонликлар ҳам юзага келди. Илгари кузатилмаган болалар тарбияси ва психологияси билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам карантин пайтида намойён бўлиб бораётгани сир эмас.

АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШИМИЗ ШАРТ!

Фирюза Мухитдинова, ТДЮУ проффессори, юридик фанлар доктори:

– Синовли давр шароитида oilalar ҳамжиҳатлик, аҳиллик ҳукм

Карантин сабаб Хитойда oilaviy ажримлар анча кўпайди. Жумладан, март ойида марказда жойлашган Сиан шаҳри ҳамда Сичуан вилоятидаги Дажоу шаҳарларида рекорд даражадаги oilaviy ажрашишлар қайд этилган.

сургани таҳсинга сазовор, лекин айрим oilalar да oilaviy низо-ларнинг кўпайгани дилни хира қилади. Халқимизда “Эр-хотиннинг уриши – дока рўмоннинг куриши”, деган нақл бор. Буни кўпчилик билади. Айни кунларда ушбу мақол бироз ҳақиқатдан узоқлашяпти.

КАРАНТИН САБАБЛИ БИЗДА ХАМ АЖРИМ КЎПАЙДИМИ?

Йўқ, албатта. Қувонарли томони шундаки, пандемияга қарши кура-

шиб, карантин ҳолатида ҳам бирон бир оила давлат эътиборидан четда қолмапти. Бу oilalar да илгаридан низо бўлиб келган, карантинда эса, авжга чиққан, холос. Жанжаллар – ўзаро тушунмовчилик, тез асабийлашиш, кўп кишили хонадонларда холи қолиш учун алоҳида жойнинг етишмаслиги, доимий телефонга боғланиб қолиш, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиш, айрим эркакларнинг уй ишлари ҳамда фарзанд тарбиясига ёрдамлашишни хохламаслигидан келиб чиқаётганлиги маълум бўляпти. Карантин сабаб олдинлари иш билан бўлиб эр-хотин эътибор бермаган ҳолатлар: уй тутиш, оқват тайёрлаш, кийим-кечакка эътибор, тозалик, рўзғор масалаларида ҳам келишмовчилик кўпайган. Улар бир-бирини тушунишни иштамаган, oilани сақлаб қолишга ҳаракат ҳам қилишмагани айни ҳақиқатдир.

Яна чет эл тажрибасига юзланадиган бўлсак, oilaviy низолар бўйича шикоят аризалари карантин даврида оддий кундалиқ турмушдагига нисбатан 3 маротаба ортган. Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг биргина провинциясида 1-24 февраль кунларининг оралиғида 300 та ажримга оид даъво аризалари қабул қилинган. Ҳаттоки, эпидемияга айланган ажралишларни таърифлаш учун “Covidivorces”, яъни “Ковидажралиш” ва болаларнинг қонуний манфаатларини ифодаловчи “Cocopababies” – “Короначақалоқлар” норасмий терминлари ҳам келиб чиқди. Демак, масала жиддий! Бизнинг ҳам айрим oilalarимизнинг ўзаро munosabatlarda муаммо, камчиликлар бор...

БАРЧАСИ ТАДҚИҚОТЛАРДА ИСБОТЛАНГАН

Дилдора КАРИМОВА, Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурдаги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти директори ўринбосари, иктисодиёт фанлари доктори:

– Биламизки, ҳар бир инсон эзгу ниётлар билан оила куради. Лекин курилаётган оила фақатгина яхши ниётлар билан мустаҳкам бўлиб қолмайди, унда кишига ўзига хос пойдевор, тайёргарлик, билим ва кўника талаб қилинади.

Карантин даврида бизда ҳам oilaviy келишмовчиликлар кун сайин ортиб борапти, деган нуқтаи назар нотўғри. Аксинча, ушбу синовли кунларда oilalar, маҳаллаларда ноёблашиб қолган меҳр-оқибатни қайтарди, ҳамжиҳатлик, ўзаро дахлдорлик ҳисси ортиди. Қувонарлиси, oilalarимизни турли салбий ҳолатлар, ўзаро келишмовчиликлар тарк этиб, oilaviy ажрим ёқасида турган oilalar ҳам ярашиб, ҳамжиҳатлик, ҳаловат муҳити қарор топди.

ХУЛОСА ЎРНИДА!

Ҳа, азизлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам оила munosabatlари нозик ва мураккаб. Унга жиддий қараш лозим. Эр-хотин ўрни келганда газабини ютиши, гарчи ёқмаса-да, oilaviy ҳурмат юзасидан баъзи нарсаларга чидашга одатланиши, маънавий жиҳатдан бир-бирига сабр қилиш лозим бўлганидай, моддий жиҳатдан ҳам қаноатли ва сабрли бўлиш жуда муҳим.

Фарзандларимизнинг фақат моддий жиҳатлари эмас, балки маънавий дунёсига ҳам эътибор берайлик: оила маданияти ва oilaviy munosabatlари ёшлик пайтидан оқ ўрағатиб борайлик! Шунда атрофимизни вируслар эгаллаб олиб, карантин бўлганда ҳам, табиий офатлар бўлиб, бор-будимизни олиб кетганда ҳам, яқинимиздан ажралиб гамга ботганимизда ҳам oilalarимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, юртимиз обод ва жамиятимиз маънан соғлом бўлади.

Камола АҲМЕДОВА.

oilavajamiyat@mail.ru

Муҳаббат! Бу барча эҳтиросларнинг чўққиси ва энг голибидир.

(Г.Гейне)

“Tungi tashrif”

Азалдан фантастик асарларни ўқишга қизиқишим йўқ эди. Бир ўртоғим тавсиясига кўра, ўзим хоҳламаган ҳолда, эри-нибгина варақлаб кўриб, ушбу китобни бош кўтармай, бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Азбаройи завқим тошганидан гоҳ муқовадаги суратга қараб-қараб кўяр, наҳотки, шунақанги муҳаббат ҳаётда ҳам бўлса деб ҳайратланар эдим.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, заҳматли ҳаёт, қонли уруш қурбонлари, қотиллик ва хиёнатга лиммо-лим китобларга андармон бўлибми ёки ўз гумроҳлигимиз, танбаллигимиз туфайлими, ҳарқалай, муҳаббат ҳақидаги асарлардан таъсирланмай кўйган эканмиз. Ҳатто дўстлар ўзаро учрашганда ҳам муҳаббат ҳақидаги китоблар ҳақида, негадир камроқ гурунглашамиз. Эслайман, болалик ва ўсмирлик чоғларимизда муҳаббатга оид яхши китоблардан қандай таъсирланар эдик. Бокира туйғуларимиз, онгу шууримиз мутолаа туфайли алғов-далғов бўлиб кетарди. Бир неча кунгача китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан яшамасдик? Энди-чи? Биз шунчалар улғайдикми?

Устоз Абдулла Қаҳҳор: “Китоб шавқ билан ўқилиши керак”, деган эди. Лара Эдрианнинг “Тунги ташриф” романи улғу устознинг ана шу талабига тўла жавоб беради. Муаллиф услуби шакланган ёзувчи экан. У нимани ёзишни ва қандай ёзишни (ёзувчи учун ўта муҳим фазилат!) яхши билади. Қисқа ва лўнда ёзади. Айни чоғда ўзи яхши билган нарсалар ҳақида ёзади. Шунинг учун ҳам ёзганлари ҳаётини, образлари жонли, ёрқин.

Албатта, даврнинг бир-биридан “ақлли”, “замонавий” одамлари учун муҳаббатга бой, фантастик асар яратиш осон эмас. Бугунги кун — эртага тарих. Тарих эса масофадан яхши кўринади.

Асар шу кунларда яшаётган журналист киз ҳақида. Асарда газета тахририятидаги иш жараёни, ундаги ўзига хос муаммолар, ғаройиб воқеалар, эҳтиросга тўла муҳаббат, бир-бирдан устун келувчи инсоний

туйғулар ниҳоятда мароқли ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони — журналист Дилан Александр ҳозирги кун таъбири билан айтганда, анча “олифта”, “довюрак”, “эҳтиросли”, “ғурури банд” киз. Ўзи анча но-зик бўлишига қарамай, жисмоний ва рухий томондан анча кучли бўлган Дилан ўзини ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайди. Бедобларнинг, айрим инсофсиз, диёнатсиз кимсаларнинг бошлаб таъзири-ни беради. Ҳар қанча серзаҳмат, сермашаққат бўлмасин, ўз касбини севади, ардоқлайди. Муаллиф асарда бошқа образларга ҳам жон ато эта олган. Шу ўринда ЛАРА ЭДРИАН услубига хос яна бир муҳим фазилатни алоҳида таъкидлагим келди. Соф муҳаббат ва ҳалокатли кўрқув, қонли қасос ва гурур, хиёнат ва бурча садоқат каби туйғулар унинг асарларидаги етакчи мавзулардир.

Ёзувчи ушбу асарда фантастикадан шунчаки китобхонни зериктирмаслик, асарни қизиқарли қилиш воситаси сифатидагина фойдаланмайди, айни чоғда у фантастик қаҳрамон “вампир Рио” образидаги олийжаноблик, садоқат, меҳр-муҳаббат туйғулари орқали бугунги инсонлардаги камчилиги ва ериқларнинг чатишишидан дунёга келган мавжудотлар. “Хўш унда журналист киз Дилан улар орасига қандай тушиб қолди?” деяётгандирсиз. Ойназори бетоблиги туфайли унга ишхонаси томондан берилган саёҳат чиптаси бекор кетмаслиги ва у кўрмаган, бора олмаган жойларга фарзанднинг боришини истаб, ўрнига ўз кизи Дилани ҳамкасбларига қўшиб Ечин тоғларига кўярда қўймай юборади. Қизиқувчан, тиниб-тинчимас журналист киз у ерда ўз севгисини учратади. Унга бу йўлда ўз касбига бўлган қизиқиши ва бир аёл арвоҳи яъни “Ева” ёрдам беради. Диланда ғайриодатий “арвоҳларни кўра олиш ва уларни эшити олиш” қобилияти

ди. Бу сафар горни Ева ёрдамисиз ўзи топади. Яна Рио уни учратади. У билан гаплашади. Бу пайтда

Рио қонга ташна, ҳолдан тойган бўлса-да кизга тегмайди. Аксинча унга бу ердан кетиши кераклигини тинмай уқтиради. Аммо қулоқсиз киз кутилмаганда уни суратга олади ва орқасига қарамай қочади. Рио унинг ортидан бормайди чунки вампирлар қўёш нурига бардош бера олмас, фақат тундагина ташқарига чиқа олишар эди. Бироқ у Диланнинг ифоридан дунёнинг нари томонига кетса ҳам излаб топа олади. Чунки у қавмини хавф остига қўйишга ҳаққи йўқ. Одамлар улар ҳақидаги ҳақиқатдан хабар топиши мумкин эмас. Дилан шаҳарга кетгач ҳам ундан тараладиган арча ва асал аралаш ҳиддан Рио уни топади ва ўғирлаб кетади. Диланнинг компютеридаги маълумотлардан Рио ҳақида ёлғиз угина эмас яна бир неча одамлар билиши маълум бўлади. Рио Дилансиз бу инсонларни топиши ва қавмини хавф-хатардан қутқариши мушкул ишлигини билади ва бу йўлда у билан анча вақт бирга бўлади. Бу орада мислсиз мўъжиза рўй беради. Гўзал киз Дилан ва ёввойи махлуқ Рио бир-бирларини севиб қолишади. Уларнинг севгиси шунчаки оддий севги эмас, илоҳий севги!

Бу романи хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Қаҳрамонларнинг дарду қувончи, кўнгил кечинмалари беихтиёр китобхонга ҳам “юқади”, шунда юрак ҳаприқади. Эҳтимол, айрим китобхонлар “Ҳаётда бундай севги бўлмайди-ку!” деб ўйлаши мумкин. Шу ўринда донолардан бирининг: “Бизга руҳимизни туширадиган ҳақиқатлардан кўра кўнглимизни кўтарадиган алдовлар муҳим” деган ҳикмати хаёлга келади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, улғу рус ёзувчиси Тургенов ҳаётда учрамаса ҳам, илоҳий севгига қодир, дилбар аёлларнинг ажайиб образини яратгандан кейин ҳаётда ростдан ҳам шундай аёллар пайдо бўлган экан! Дарҳақиқат, ушбу роман бош қаҳрамони Дилан ҳам ўз севгиси учун ҳеч нарсадан кўрқмай вампирлар оламига кириб бориб, бутун ҳаётини севган инсони Риога бағишлайди.

Мафтуна ОМОНКЕЛДИЕВА.

КИТОВНИНГ О‘РНИНИ HECH NARSA BOSOLMAYDI

Ўйлаб кўринг-чи, айтийлик, анор меваси бандидан узилгач, қанча вақтгача бузилмай, яхши сақланиб туради. Уч ой, борингки, олти ой бўлсин. Лекин асло ундан кўпи мевани чиритади, увол қилади. Инсон мияси ҳам шундай. Унга келиб турадиган кунлик ахборотлар оқими тўхтатиб қўйилса, у ҳам ўз ўзидан аста секин заволга юз туттади.

Бу нима дегани? Яъни, бу фикрнинг ўтмаслашуви натижасида миллиардлаб нейронларни занг бошишига олиб келади, дегани. Унинг



Китоб мутолааси эса бутун диққатни бир жойга йиғиб, ундаги мазмунни тўлақонли сингдиришга ҳаракат қилади. Бу албатта, мен ўйлаб топган кашфиёт эмас. Шунчаки қузатувларимнинг ҳулосаси. Билл Гейтсни яхши танийсиз. У ҳам шунча гаджетлари бўла туриб китобни китоб ҳолича ўқишни афзал билар экан.

мавжуд бўлиб, арвоҳ аёл Ева бундан фойдаланади.

Қизни эски гор ичидаги сағана томон бошлади. У ерда Дилан вампир Рио уни учратади. Шу ерда ҳам унда кўрқув хиссидан кўра қизиқувчанлик устун келиб, бу (дайди) кимса ким эканлиги ва сағанада нима борлиги ҳақида мақола ёзмоқчи бўлади. Мақоласи учун қишлоқдан маълумот тўплай бошлади. Ўзига керакли маълумотларни йиғиб бўлгач, гордаги сағана, у ернинг деворларидаги ғаройиб суратлардан намуналар олиш ва ўша кўзлари маънос “дайди”ни суратга тушириш учун горга иккинчи маротаба қайтиб бора-

хам шу эди-да.

Гаджетлар ёрдамида мутолаада истаимизми йўқми мия чалғийди. Эcran орқали узатилаётган ахборотлар кўплигидан тез қабул қилади ва тез ўчириб ташлайди. Одатда, инсон бош мияси фақат битта нарсага диққат эътиборини қаратар экан. Миямизга ижтимоий тармоқлар, мессенжер, брузер ва ҳоказолардан келувчи хабарлар сигнали етиб бориши ҳамон унда янгиликларни ўзлаштириш механизми зудлик билан ишга тушади ва диққатни камайтиради. Бу жараён (multitasking) яъни бир қанча маълумот юклаш, деб аталади. Китоб мутолааси эса бутун диққатни бир жойга йиғиб, ундаги мазмунни тўлақонли сингдиришга ҳаракат қилади. Бу албатта, мен ўйлаб топган кашфиёт эмас. Шунчаки қузатувларимнинг ҳулосаси. Билл Гейтсни яхши танийсиз. У ҳам шунча гаджетлари бўла туриб китобни китоб ҳолича ўқишни афзал билар экан.

НАРГИЗА.

Biz bolajon xalqimiz (MI?)



– Мен туғилган кунимни ўртоқларим билан нишонламайман, яхшиси мактабгаям бормайман ўша кuni.

Махбуба ўғлининг ҳар йили хархашасини эшитавериб ўргани қолган. Шунинг учун ҳар доимгидай шундай дейди:

– Барибир туғилган кунинг синф журнаliga ёзилган ва буни ҳамма билади.

– Мен ҳам туғилган кунимда ёнимда дадам бўлишини истайман. Ҳамма устимдан кулаётгандек туюлади. Дадаси ташлаб кетган деётгандек бўлаверади.

Бу йил 10 ёшини нишонлайдиган Собир дадасини йиллар давомида 5 марта кўрган...

Дарҳақиқат, отаси ёки онаси баъзи ҳолларда ҳар иккаласи ҳам пул топиш илинжида хорижда юраркан, фарзандларининг бугун тириж етимлардан қаери кам? Хўш, ундайларнинг оиласини тўлиқ оила деб бўладики?

Хориж киноларида жуда кўп кузатганмиз, эр-хотин асосан давлат иши деб болаларга вақт ажратмаётгани учун жанжаллашганини. Аёл турмуш ўртоғига болаларнинг тарбияси билан шуғулланмаётгани ёки уларнинг тўғарақлари, қатнашаётган танловларига бормгани учун ҳатто ажрашишга боришади. Ва кино охирида ота ҳамма ишини ташлаб фарзандлари, оила давраси учун кўп вақтини ажратишга қарор қилади. Тасаввур қилиясизми, отанинг мусофир юртларда юргани эмас, бирга яшаб туриб вақт ажратмаётгани катта муаммо ҳисобланади. Ҳа энди уларнинг иқтисодий аҳволи яхши-да, деб ўйлаётгандирсиз, аммо таассуфки чет элда юрган оталар майли, иқтисоди яхши бўлган оиланинг бошлиқлари ҳам чойхонаю гап-гаштакдан ортмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Шундан кейин ҳам биз болажонлигимиз билан мактанга олашимиз?

Биз болажон халқимиз, деган гап бугун ўз қийматини йўқотаётгандек.

Тахририятга қуйидаги мазмунда мактуб келди: "Икки нафар фарзандимни ҳали мактабга чиқмасидан онамга ташлаб хорижга ишлаш учун кетдим. Мусофир юрда иш толгунимча, жойлашгунимча не-не кунларни бошимдан ўтказмадим. Ахийри, икки боласи бор аёлнинг уйда уй хизматчиси бўлиб ишлаш бошладим. Ўзимнинг фарзандларимга бериш ке-

рак бўлган меҳримни ўзгалар фарзандига бердим. Уларнинг кирини ювдим, овқатини пиширдим, китоблар ўқиб бердим, кечалари эртак айтиб ухлатдим. Ва ишлаб топган пулимни онам билан фарзандларим қийналмаслиги учун пешма-пеш жўнатиб турдим. Бир йилда фарзандларимни кўриш учун уйимга рухсат беришарди. Орадан ўн йил ўтди. Ўғлим ўн олтига, қизим ўн тўртга кирганда қайтиб келдим. Ўн йилнинг ичида онам ҳам анча қариб қолибди. Аммо... Аммо ўғлимнинг коллежига, қизимнинг мактабига бориб жуда кўп нарсаларни

бой берганимни англадим. Ҳар иккаласининг ҳам ўзлаштириши жуда паст, ўқитувчиларининг айтишича, улар аламзада ва такаббур эмиш. Ўғлим бир неча марта ўртоқлари билан мушталлашибди, қизим эса тинмай телефонда кимлар билан гаплашармиш. Ўқишга хоҳлаганда бориб, хохламаганда бормасмиш. Энг ачинарлиси қўшниларимнинг айтишича қизим кўнадан бери келмасмиш. Мен очиги фарзандларимни танимай қолдим. Қаёқдан ҳам таний, ахир улар билан ўн йил айро яшаган бўлсам. Мен хизмат қилган оиланинг фарзандлари барча ҳавас қиладиган болалар бўлиб вояга етди. Албатта бунда фақат менинг эмас, кечаю кундуз улар билан бирга бўлган онасининг ҳам хизмати катта. Уларнинг онаси бир дақиқа ҳам фарзандларини ёлғиз қўймасди. Фарзандларининг келажаги учун ўз юртида не-не қийинчиликлар билан бўлса-да тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган эди. Ва шу билан бирга аёл сифатида турмуш ўртоғининг ҳам энг яқин дўсти, суянчи эди. Мен-чи мен пул топаман, деб онамнинг сочларидеги оқни кўпайтирдим. Менга шу ерда ҳам яхши яшасак бўлади, дея худонинг зорини қилган эримнинг айтганини қилмадим. Ва оқибатда турмуш ўртоғим мен келгунча бошқа оила курди. Хўш, мен яхши яшаш илинжида пул топаман деб нималарни бой бер-

дим. Аввало, ёлғиз онага айландим. Кейин фарзандларимнинг тарбиясига эътибор беролмадим. Уларнинг илк мактабга чиқганини, ёзиш ва ўқишни ўрганганини кўролмадим. Беғубор болагини соғинч ва ўкинчга қориштирдим. Ҳозир юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаяпман. Даромадим яхши. Баъзида чет элга ишлагунча куч-гайратимни шу ерга сарфласам ҳаммаси бошқача бўлармиди, деб ўйлайман. Фарзандларим билан тил топиша олмай қолган пайтларим ўзгалар фарзандига берган меҳримни, улар учун қилган хизматимни ўғил-

қизим учун қилганимда, турмуш ўртоғимга суянч бўлганимда ҳозир менга ўзгалар ҳавас қилмаётган бўлмасмиди, энди кеч, жуда кеч. Хорижга отланаётган ҳамюртларимга кучингизни, меҳнатингизни, меҳрингизни фақат ва фақат яқинларингизга, оилангизга, Ватанингизга беринг дегим, бор овозда ҳайқиргим келади."

Ушбу мактубни ўқиб фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги жарлик пайдо бўлишининг сабабларини излайсан беихтиёр.

Бизга бир пайтлар болажон халқ деган ибора ярашиб турарди. Чунки у пайтлари оилаларда энг ками 5 нафар бўлмаса 10 нафаргача фарзандлар ўсиб улғаярди. Аммо уларнинг тарбияси, бир-бирига бўлган меҳр оқибати ҳавас қиларли эди. Энди-чи? Атиги 3 нафаргина фарзанди бор оилаларда ҳам меҳр оқибатни тополмай-си. Ака укасини ёки сингил акасини пичоқлаб қўйган, мерос талашган.

Сабаби кундай равшан. Бир пайтлар кўп фарзандли оилаларда етишмовчилик бўлган, ота-оналар ҳаминқадар ойлик олишган, аммо уларнинг фарзандларига вақти кўп бўлган. Балки моддий таъминотини яхши қилиб беролмаганидан хижолат тортишиб кўпроқ меҳр беришга ҳаракат қилишгандир. Бугун эса мен фарзандимни моддий таъминласам, ҳеч кимдан кам қилмасам, оғзидан чиқганини муҳайб қилсам дея ўйлаётганлар сони кундан кунга ортиб бораёпти. Ва оқибатда худбин, фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма эътибор мен-

га бўлсин, дейдиган ўғил-қизлар вояга етмоқда. Бундай кайфиятда улғайган ёшлар оила кургач ҳам муаммоларни келтириб чиқараверади. Сабрсизлик, енгил яшашга интилиш ота-онанинг фарзандга ёшлигида етарли эътибор бермаганлиги фақатгина моддий таъминотини аъло даражада қилиб қўйгани билан боғлиқ.

Биз болажон халқимиз, деган гап ўз қийматини йўқотаётгандек. Агар биз бир пайтлардагидек ҳақиқатан ҳам болажон бўлганимизда бугун болани бир матоҳдек бировларга пуллаётган бўлмасдик. Биз болажон бўлганимизда юқорида мактубда айтилганидек болаларни меҳрга зор қилиб ўзга юртларга кетмасдик. Энг ачинарлиси, оталар хорижга кетиб осонгина бошқа оила куриб кетаётгани, уйда қолган фарзандларининг тақдирини, келажагини ўйламаётгани. Баъзида ажрашган оилаларда оталарнинг ўз боласига алимент тўлашни истамаслиги, бош тортиши дилни хира қилади. Айниқса алимент тўламаслик учун ўз фарзандини сувга отиб юборган ота воқеаси буни яна бир бор исботлади.

Яқинда вентилятор талашиб ўғлини пичоқлаб қўйган отани ўйлаганимда Чикагода рўй берган воқеа режиссёр Ника Кассаветисининг "Жон Кью" деган фильми ёдга тушади. Боласига юрак кўчириб ўтқазिशга пули етмаган ота ҳатто ўз юрагини ўғлига беришга тайёр туради. Шифохона ишчиларини гаровга олади. Бу билан ота фарзандга бўлган меҳрини ана шу тахлит намоён қилади.

Яқинда Собиржоннинг ана туғилган кунни бўлди. Унга бу гап катта қутида бокс кўлқопини совға қилишди, мактуб билан бирга. Мактубда шундай ёзилган: "Ўғлим, туғилган кунинг билан табриклайман! Мен сен учун ишлаб юрибман, яқинда бориб қоламан, сени соғиндим, даданг". Собирни бокс кўлқопидан кўра, мактуб хурсанд қилди, қайта-қайта ўқиди, худди отаси ёнида турганидек, гурурланиб қўйди. Аммо у билмайдики, бу совға ва мактуб онасининг ташаббуси билан уюштирилганини, маҳалла фаоллари бош-қўш бўлганини...

Бир пайтлар болалар колониясига борганимда ҳар хил тақдирли болалар билан кўришганим. Онаси Россияда, отаси ҳам қайсидир чет давлатда ишлаётган К. Исмил ўсмир бор эди. Кечаси болалар билан жанжаллашиб тан жароҳати етказган. Суд иши кўрилаётганда ҳам онаси келолмади. "Депорт" қилиб юборишса қайтиб боролмасмиш, яъни ишидан ажралиб қолармиш. Энг ачинарлиси, ўша бола муддатини ўтаб чиқаётганда олиб кетишга ҳеч ким бўлмагани учун маҳалласидан одам чақиришган. Бундай ўсмирларни деярли пул қизиқтирмайди. Ота-онасининг меҳри керак. Ана шу меҳрни тополмагач, аламзада бўлиб қолади. Айна ота-онасининг хорижда ишлаб топаётган пуллари – тўлиқ туфайли киноятга қўл уриб қўйишади. Пули бўлгач, атрофда безори дўстлари ичкиликка, саёқ юришга ўргатишади. Афсуски, бу ерда ана шундай тақдирли болалар кўпчиликини ташкил қилади.

Тарбия колониясидан қайтган ўсмир йигитча ҳозирча кекса бувиси билан яшайди. Ўзининг айтишича, келажаги нурсиз, қоронгу...

Мана шу воқеаларни кузатиб туриб ҳам биз болажон халқимиз деб айта оламизми?..

Барно СУЛТОНОВА.

OLTIN SANIFALARGA NAMOHANG VAQTLAR...

Кадрли жойинг, кадрли инсонларинг ва кадрли нарсаларинг ҳақида ёзганингда бўғзингга тиқилган йиғими, нимадир қалбинг тубини тўлқинлантириб, қўлларингга титроқ юғриб, ёзолмай қоласан... Университетим... Билим тузини еган максамим, иккинчи оилам. Бахтини ҳам, дардини ҳам, ўзимдан кечган ҳислардек туя оладиган илмхонам... Икки йиллик самара, тажриба, оқибат... Ва йиллар давомидаги абитуриентликнинг ҳосиласи...

Бирор мақсадга интилдингизми, бу йўлдан қайтмаслик, шишоатни сўндирмаслик нечоғлик муҳим эканини англаб бораверар экансиз. Айнан мен танлаган касбинг моҳияти, машаққати ва завқини мана шу даргоҳга ўқишга қабул қилинган, устозларимнинг билими ва меҳри билан янада сайқаллаб бормоқдаман. Университетга кирдингми, кирдинг қабилдаги эски "ақида"лар бу масканга бегона. Бу ерда касбимиз сирларини ўрганиш асносида, назарий ва амалий билимларни эгаллаб, ёниб яшаш, ҳар кунни ватанимиз келажиги учун бирор бир янгилик яратиш илн-жида ҳаракат қиладиган тенгдошларим таълим олади, ижод қилади.

Бу даргоҳ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 24-майдаги "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ташкил этилди. Йўналишлар, мутахассислик ва медиа маконни ривожига учун керакли кадрларни тарбиялашда қарор ҳам муҳим роль ўйнади. Қисқа вақт ичида куриб битказилган бинонинг очилиш маросими 7 сентябрда бўлиб ўтди. Ҳамма жамоат ва жамиятга алоқадор устозлар, давлатлараро элчилар ташриф буюрган бу даргоҳда биз ёшларга Журналист учун ишончинг тамал тошларини қўйиб беришган эди, гўё.

Университет очилиши ёхуд талабалар, магистрларга билим беришдан чарчамаган устоз Ильмира Раҳматуллаева, ЎЗЖОКУ доценти, санъатшунослик фанлари номзодининг хонитара зарвараклари билан



танишдик:

– Узоқ йиллар журналистиканинг унча осон бўлмаган нонидан бахраманд бўлган бир ижодкор сифатида журналистика ва оммавий коммуникацияларга ихтисослашган университет очилишини эшитганимда, тўғриси бунга ишонқирамаганман. Бу орзу шунчалар баланд бўлиб кўринганки менга. Бунинг сабаблари бисёр эди.

Мен мансуб авлод болалик ва ёшлик йиллари мамлакатда оммавий ахборот воситалари – радио, журнал, газета, телевидение ҳар бир фуқаро ҳаётига кириб келган, ижтимоий, маънавий ҳаётининг бир бўлагига айланган, ҳар бир муаммо журналистика нигоҳидан четда қолмайдиган даврда яшадик. "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи"га қараб тарбияланганмиз, телевидениеда намойиш этиладиган кинофильм қахрамонларига ўхшаб катта бўлишни орзу қилганмиз, газета ва журналлар орқали етук замондошлар ҳақидаги очеркларни ўқиб, ўзимизда энг яхши фазилатлар камолотига интилганмиз. Ҳақиқат мезонлари айнан матбуот саҳифаларидан ҳаётга кўчган, миллионлаб адаллардаги газеталар жамиятга адолат, шафқат нурларини олиб кирган. Ҳозир ўйлайман-да, айнан ёшлигимда кўрган эканман матбуотнинг "тўртинчи ҳокимият" бўлганини.

Афсуски, мустақиллик йилларида газета-журналларнинг адади, тури, телевидение ва радиоканалларнинг сони кўпайганига қарамай, оммавий ахборот воситалари ўзининг мақсади, вазифаси, жамиятдаги ўрнини йўқотди, халқдан узоқлашди, халқ ундан йироқлашди. Матбуот, ТВ ва радио жамиятнинг тўридан пастга тушди, газеталар киоскалар тахламида саргайиб қолиб кетаверди. ТВ рекератив вазибалар атрофида ўралашадиган, хорижнинг "сарик матбуоти" даражасидаги газеталаргина ўқиладиган ахволга тушиб қолди.

Бугун янгиланаётган Ўзбекистон қиёфасини яратилишида қўйилган бу қадам Ўзбекистонда Журналистика ва омма-

вий коммуникациялар университетига тамал тоши қўйилиши, икки йилда бу даргоҳнинг илмий, ўқув салоҳияти жиҳатидан ўсиб бораётгани бу мафкура соҳасидаги жиддий қадамлардан биридир. Эндиликда бу даргоҳда етишиб чиқаётган талабалар жамиятга янги руҳ олиб кириб, уни ўзгартириш, ўзининг моддий ва маънавий бойликлари билан етакчи ўринларда турадиган Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган давлатлари сафига кириб боришида ўз ҳиссасини қўшишига умидвормиз.

Яқин тарихга назар солсак, Ўзбекистонда, балки Урта Осиёда биринчи журналистлар учун алоҳида университет ташкил этилди. Бу айнан давлатимизда сўз эркинлиги, журналистлар учун ижод майдони ва касб масъулиятини ҳам янада кенгайтириш шарт-шароитларини кўзда тутди. Икки йилда таълим олиш билан ўз иш жойига, тажрибага эга бўлган талабаларни ҳам фикрига қулқут туддик:

Мафтунанхон Суннатуллоева, босма ОАВ йўналиши талабаси:

– Болалигимда журналист бўламан, деб орзу қилмаганман. Бобом оғир бетоб бўлиб ётиб қолганларида тахририятдаги кўлёмаларини уйимизга олиб келиб беришган. Тўғриси, уларнинг мақолаларини ўқиб чиқиб, фаолиятлари ҳақида кўп суҳбатлашиб шу касбга меҳр қўйганман. Улардек журналист бўлиш, касбларини давом эттириш учун университет остонасига қадам қўйдим. Устозларимиз бизга биламанларимизни, ўзимизга ишонишимиз, бўлаётган воқеа ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишни ўргатишмоқда, энг асосийси мотивация беришади.

Шахноза Тўрамуродова:

– Мана 3-курс бўлдим. 2 йиллик сессия жараёнларидан ўтиб олган талабаман. Шунисидан қувонаманки, баъзида

нолисам ҳам шу ўқишим давомида пул билан боғлиқ коррупцияга дуч келмадим. Тўртинчи семестрни яқунладик. Бирон бир ўқитувчи ортиқча бир қоғоз сўрагани йўқ. Нима учун сўзимни шу гаплар билан бошлаганимга қизиқаётгандирсиз. Укам ҳам ўзимизнинг вилоятда таҳсил олади. Уларда сессия ёпиш ким учундир жуда осон иш ҳисобланса, моддий томонлама бироз қийналган оилалар учун ўша ой рўзғорда танқислик муаммосининг келиб чиқиши бўларкан. Мен учун эса сессия дарсда 3 пара ўтиргандан кўра осонроқ, шунчаки амалиётда биладиганларимдан ва назарий билимларни қоғозга тўкиб сочсам, етарли. Яна дарсларни соҳамизни фақат китобларда ёзилгани билан эмас, амалиётда ҳам кўрган ўқитувчилар



ўтади. Университет, бизга ҳақиқий таълим бериш билан бирга ижодий ва эркин муҳитни яратиб бера олди.

Хилола Абдуҷабборова, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар йўналиши талабаси:

– Университетимизда талабаларнинг билим олиши ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб чиқиши учун барча шарт-шароит яратилган. Кутубхонамизда журналистикага доир китоблар, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдона асарлари ўрин олган. Тил ўрганиш учун ҳам китоблар етарли. Айниқса, электрон кутубхона айни кунда масофавий таълим жараёнида катта ёрдам берапти.

Яна ода табиатга ҳамоҳанглик тову, кабутар, тўти ва турли қушлар куршовида чарчокларни чиқариб, улардан завқ олиб, ижод қилиш имконияти яратилган.

Бугунги кунда босма нашрлар, интернет журналистика, медиамаркетинг, медиадизайн, телерадио ҳамда спорт журналистлари бўйича кадрлар тайёрлаётган университет – янги йўналиш ҳарбий журналистлар тайёрлаш бўйича ҳам курсларни йўлга қўйган. Юрт равнақи ва халқ ишончи – касбимизнинг асосий шиори бўлишига ишонамиз.

Чўлпоний АҲМЕДОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.



Oilava jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oilava-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 636. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2303. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ISSN 2010-7609
1 2 3 4 5